

## VII. ТРАНСПОРТ

**Юк ташиш.** 2018 йил январь-декабрда барча транспорт турлари томонидан 41,3 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 102,5 фоизни ташкил этди.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 1137,6 млн.тн-км. ни ташкил қилди ва 105,0 фоизга кўпайди

### Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси ҳажми

	2018 йил январь-декабрь	2017 йил январь- декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн.	41,3	102,5
<i>шу жумладан:</i>		
автомобиль транспортида	41,3	102,5
Юк айланмаси, млн. тн-км.	1137,6	105,0
<i>шу жумладан:</i>		
автомобиль транспортида	1137,6	105,0

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2017 йил январь-декабрга нисбатан 102,5 фоизни ташкил этди ва 806,1 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 70,9 фоизни ташкил этди (2017 йил январь-декабрда 72,6 фоиз).

**Йўловчи ташиш.** 2018 йил январь-декабрда барча транспорт турлари томонидан 271,5 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,7 фоизни ташкил этди. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 103,5 фоизни, 8974,7 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

## Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси

	2018 йил январь-декабрь	2017 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	271,5	103,7
шу жумладан: автомобиль транспортида	271,5	103,7
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	8974,7	103,5
автомобиль транспортида	8974,7	103,5

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2017 йил январь-декабрга нисбатан 103,8 фоизни ва 8233,4 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 91,7 фоизни ташкил этди (2017 йил январь-декабрда 92,4 фоиз).

## 2018 йил январь-декабрь ойларида транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси ҳажми

